



**“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР БЎЙИЧА
СЕМИНАР**

Тошкент-2021 й.

КОРРУПЦИЯНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР ВА УНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Коррупцияга оид
хуқуқбузарлик – коррупция
аломатларига эга бўлган, содир
этилганлиги учун
қонун ҳужжатларида
жавобгарлик назарда тутилган
қилмиши
тушунилади



“Коррупция” атамаси “бузиш,
tizimni izdan chiqarish, pora
evaziga oqdirish” degan maʼnoni
anglatadigan lotincha
“corruption” sʼuzidan kelib
chiqqan

Коррупция – шахнинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан
шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг
манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш
мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди
шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим
этиши тушунилади

КОРРУПЦИЯВИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИГА ШАРОИТ ЯРАТУВЧИ ОМИЛЛАР БУ ИЛЛАТ УСТИДАН ТАШКИЛИЙ-БОШҚАРУВ ВА ИЖТИМОИЙ НАЗОРАТ ЕТАРЛИ ЭМАСЛИГИ ҲИСОБЛАНАДИ

Ҳисоб-китоб ва назоратнинг сустлиги

Ҳўжасизлик ва ортиқча сарф-харажатга йўл қўйиб бериш (энергия манбаларидан, моддий ва одам ресурсларидан тежамкорликсиз фойдаланиш), тарбиявий ишларда нуқсонлар

Кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишдаги камчиликлар (билимсиз ва тажрибаси йўқ ёки ишончсиз шахсларни қариндош уруғчилик, таниш-билишчилик асосида ишга қабул қилиш ва шунга ўхшаш ҳолатлар)

Ҳуқуқни муҳофиза қилувчи ва назорат органлари фаолиятидаги мансабдор шахслар, хизматчиларнинг фойдаси ва сарф-харажатлари ва улар томонидан хизмат вазифаларини бажариш устидан назоратни йўқлиги, коррупциявий ҳолатларга эътиборсизлик

Режалаштиришдаги камчиликлар, шартнома талабларини иштирокчилар томонидан бузилиши, хизмат фаолиятини ташкил этишдаги нуқсонлар (мажбуриятларни тақсимлаш, ваколатни белгилаш иш хажмининг қўшлиги ва х.к.)



КОРРУПЦИЯНИНГ БИР НЕЧТА ТУРЛАРИ МАВЖУД

МАИШИЙ КОРРУПЦИЯ



Асосан мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг кундалик иш фаолиятида фуқаролар билан муносабатларида кенг тарқалган

1

ИШБИЛАРМОНЛИК КОРРУПЦИЯСИ



Ҳокимият вакилларининг тадбиркорлик субъектлари билан муносабатларида учрайди

2

ОЛИЙ ҲОКИМИЯТ ОРГАНЛАРИ КОРРУПЦИЯСИ



Сиёсий ҳукмрон доиралар ҳамда одил судлов тизими фаолиятида учрайди


3

“КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА ЖАВОБГАРЛИКЛАР

КОДЕКС




	<p>“Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекси 61¹ (Нодавлат тижорат ташиқлотининг ёки бошқа нодавлат ташиқлотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 193¹ (Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташиқлотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 193² (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташиқлот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши) моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар;</p>
	<p>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167 (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тороғ қилиш) - моддасининг иккинчи қисми «г» банди</p>
	<p>168 (Фирибгарлик)-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192⁹ (Тижоратда пора эвазига оғдириб олиш) 192¹⁰ (Нодавлат тижорат ташиқлотининг ёки бошқа нодавлат ташиқлотининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш), 205 (Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш), 209 (Мансаб сохтакорлиги), 210 (пора олиш), 211 (пора бериш) моддалари</p>
	<p>212 (пора олиш - беришда воситачилик қилиш) 214 (Давлат органи, давлат иштирокидаги ташиқлот ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи хизматчисининг қонунга хилоф равишда моддий қимматликлар олиши ёки мулкий манфаатдор бўлиши)-моддалари, 243 (Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш)-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда</p>
	<p>301 (Ҳокимиятни суистеъмол қилиш, ҳокимият ваколатидан ташқарига чиқиш ёки ҳокимият ҳаракатсизлиги) - моддасида кўрсатилган жиноятлар.</p>



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI KORRUPTSIYAGA QARSHI KURASHISH SOXASIDA XALQARO XAMKORLIK BIR QATOR XALQARO TASHKILOTLAR BILAN AMALGA OSHIRADI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI



Европа Иттифоқи



БМТнинг Наркотик ва жиноятчилик бўйича идораси



БМТ таракқиёт дастури



Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти



Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти



Ноқонуний даромадларни дегаллаштиришга қарши ташкилоти



Молиявий разведкалар уюшмаси



Стратегиянинг 2.4. бандида Жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимини такомиллаштириш борасида жиноятчиликка қарши курашиш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштиришнинг самарадорлигини ошириш;

диний экстремизм ва терроризмга, уюшган жиноятчиликнинг бошқа шакллариغا қарши курашиш бўйича ташкилий-амалий чораларни кучайтириш;

коррупцияга қарши курашишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш ва коррупцияга қарши курашиш тадбирларининг самарадорлигини ошириш вазифаси белгиланган



37001:2016

ISO 37001 халқаро стандарти коррупцияга қарши бошқарув менежменти бўлиб, порахўрлик ҳолатларининг олдини олиш ва аниқлаш бўйича қатор чораларни ўз ичига олади. Ушбу чора-тадбирлар коррупцияга қарши сиёсатни ишлаб чиқиш, коррупцияга қарши фаолият учун масъул шахсни тайинлаш, соҳага оид ўқиш ва малака ошириш, бизнес ҳамкорлар билан лойиҳаларни амалга оширишда хавфни баҳолаш, молиявий назорат, ҳисобот ва ички суриштирув тартибини ўз ичига олади.

Стандарт коррупцияга қарши бошқарув тизимларини жорий қилишни қўллаб-қувватлаш, жорий назоратни мустаҳкамлаш учун мўлжалланган. Бу шунингдек, порахўрлик хавфини камайтириш учун ёрдам беради ва манфаатдор томонларни мазкур соҳадаги қаршаларини намоён этади.



“Коррупциянинг ҳар қандай кўринишига мурасасиз бўлиш кундалик ҳаёт тарзимизга айланиш шарт. Бу иллатга қарши курашишга барча давлат органлари, сиёсий партиялар, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари, умуман, ҳар бир фуқаро сафарбар этилиши зарур”.

ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ НИМА БЕРАДИ?



Ташкилот фаолиятининг ошкоралиги ва очиқлигини йўлга қўйиш



Иш муносабатларидан порани истисно қилиш орқали иш самарадорлигини ошириш



Порахўрлик ва коррупцияни баҳолаш ва уларга қарши курашиш механизми туфайли коррупциоген омилларни камайтириш



Коррупция ва порахўрлик ҳақида шикоят ва тушунтиришлар учун ходимлар билан ишончли алоқа каналларини ташкил этиш



Порахўрлик ва коррупцияга қарши ахлоқий бизнес маданиятини яратиш



Компаниянинг операцияларини назорат қилиш учун восита



Ишончни ошириш



Молиявий йўқотишларнинг олдини олиш



Кўпгина ташкилот ва муассасаларнинг порахўрликнинг олдини олиш бўйича ўз сиёсати, тартиб ва тизимлари бўлса-да, ташкилотларнинг иш муносабатларида порахўрликка қарши бошқарув тизимининг жорий этилиши умумий ишга айланади

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚУЙИДАГИ ХУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН

01

БМТнинг Коррупцияга қарши курашиш Конвенцияси (31.10.2003)

02

Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги Қонун (3.01.2017)

03

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2752 сонли Қарори (02.02.2017 й.)

04

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5729-сонли Фармони (27.05.2019 й.)

05

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизimini такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6013-сон Фармони (29.06.2020 й.)

06

Вазирлар Маҳкамасининг «Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 829-сон қарори (31.12.2020 й.).

07

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши мурасасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш, давлат ва жамият бошқарувида коррупциявий омилларни кескин камайтириш ва бунда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6257-сон Фармони (06.07.2021 й.)

08

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коррупцияга қарши курашиш фаолиятини самарали ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-5177-сон қарори (06.07.2021 й.)

“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ИЧКИ МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАР



Жамиятнинг коррупцияга қарши сиёсати



Ахлоқ кодекси



Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати



“Ўзкимёсаноат” АЖда контрагентларини текшириш бўйича қўлланма



Жамият томонидан тузилаётган шартномаларни келишиш, имзолаш ва ижро этиш сиёсати



“Ўзкимёсаноат” АЖнинг ички текширувларини ўтказиш сиёсати



“Ўзкимёсаноат” АЖнинг алоқа каналлари орқали олинган хабарларни қабул қилиш ва қайта ишлаш тўғрисида Низом



Совға бериш ва қабул қилиш, вакиллик харажатларини амалга ошириш ва бизнес меҳмондўстлик қабул қилиш сиёсати



“Ўзкимёсаноат” АЖнинг хайрия ва ҳомийлик фаолияти тўғрисидаги сиёсати”



“Ўзкимёсаноат” АЖнинг Комплаенс хизмати тўғрисида Низом”

“ЎЗКИМЁСАНОАТ” АЖ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СОҲАСИДА



01

2020 йил 18
сентябрдаги
78-сонли буйруғи
билан “Жамиятнинг
Коррупцияга қарши
курашиш сиёсати”



02

2020 йил 9
октябрдаги 87-сонли
буйруғи билан
“Ахлоқ кодекси”



03

2020 йил 19 ноябрда
103-сон буйруқ
билан “Манфаатлар
тўқнашувини
бошқариш сиёсати”
тасдиқланган

ЖАМИЯТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ СИЁСАТИ ҚУЙИДАГИЛАРГА ҚАРАТИЛГАН:



Коррупцияни аниқлаш, олдини олиш ва чек қўйишга



Жамият ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида, шу жумладан шартномавий шериклар, давлат органлари, корхоналар ёки муассасалар ва давлат мансабдор шахслари ва бошқа шахслар билан ўзаро ҳамкорлик доирасида коррупциянинг ҳар қандай шакллари ва кўринишларига мурасасиз муносабатда бўлиш



Коррупция ҳаракатлари натижасини минималлаштириш ва / ёки бартараф этиш

СИЁСАТНИНГ МАҚСАДЛАРИ



Жамиятнинг коррупцияга қарши мурасасиз муносабатни шакиллантириш

Жамиятда ҳар қандай коррупция кўринишларига йўл қўйилмаслиги тўғрисида корпоратив маданиятни яратиш



Коррупцияга қарши хавфларни камайтириш мақсадида контрагентлар ва кенг жамоатчилик томонидан коррупцияга қарши курашиш тамойиллари ва Жамият талабларини тушиниб етиши

Жамият ва унинг ходимларининг коррупцион фаолиятига жалб қилиш хавфини минималлаштириш бўйича тамойиллари, мақсадлари, вазифалари ва чора-тадбирларини умумлаштириш

“ЖАМИЯТНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ СИЁСАТИ” ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ХОДИМЛАРГА ҚУЙИДАГИ МАЖБУРИЯТЛАРНИ БАЖАРИШИ ЛОЗИМ



Давлат мансабдор шахсга пора бериш ёки олиш, тижорат ташкилоти вакилига пора таклиф қилиш ёки ёки бирон-бир бошқа шахсга унинг ҳаракатини (ҳаракатсизлигини) таъминлаш мақсадида ва ўз расмий вазифаларини номувофиқ тарзда бажаришга ундаш учун пул маблағларини ёки бошқа мулкни ёхуд мулкый ҳуқуқларни, афзаликларни, имтиёзларни, хизматларни, номоддий активларни, бошқа номоддий ёки пул тусидаги барча фойдани таклиф қилмаслик, ваъда бермаслик, ижозат бермаслик, топширмаслик



Расмиятчиликни соддалаштириш учун тўловларни амалга оширмаслик



Жамиятнинг қонуний манфаатларига зид равишда, хизмат мавқеидан ноқонуний фойдаланиш мақсадида, ҳар қандай шахслардан пул маблағларини ёки бошқа мулкни ёхуд мулкый ҳуқуқларни, имтиёзларни, афзаликларни, хизматларни, номоддий активларни, номоддий ёки пул билан боғлиқ бўлмаган бошқа ҳар қандай имтиёзларни, шу жумладан юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий қийматликларни ўзига ёки учинчи шахслар учун олиш мақсадида талаб қилмаслик, тўвламачилик қилмаслик, шунингдек олишга розилик бермаслик ёки олмаслик



Пораҳўрликда ёки тижорат пора беришда воситачилик қилмаслик, шу жумладан юқорида кўрсатилган моддий ва номоддий активларни олувчига бермаслик, ёхуд олувчига ёки олувчига юқорида кўрсатилган моддий ёки номоддий активларни олиш тўғрисида келишувга эришишда ёки амалга оширишда ёрдам бермаслик



Ходимларнинг коррупция ҳаракатлар аломатларини ўз ичига олган бошқа ҳаракатларини / ҳаракатсизлик қилмаслик ёки уларнинг амалга оширилишига (манфаатлар тўқнашуви кўринишидаги)га кўмаклашмаслик



АХЛОҚ КОДЕКСИ

Жамиятнинг “Ахлоқ кодекси” ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, содир этилиш сабаб ва шароитларини бартараф этишга, ходимларда юксак ҳуқуқий онгни тарбиялашга, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оғишмай риоя қилишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда жаҳон амалиётидаги хизмат одобининг юқори касбий ва ахлоқий талабларига йўналтирилган



МАЗКУР КОДЕКС ҚУЙИДАГИ МАҚСАДЛАРДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН

- 1** Жамият ходимлари ўз лавозим мажбуриятларини бажариш жараёнида таянадиган хизмат одобининг асосий принципларини тизимлаштирувчи норматив ҳужжатни яратиш
- 2** Жамият ходимлари учун муносиб касбий ва ахлоқий талабларни аниқлаш
- 3** Жамиятнинг одоб-ахлоқ қоидалари билан шахсларни, Жамият номидан ва/ёки унинг манфаатлари учун хизмат қиладиган шахсларни, жумладан, ҳамкор ва вакилларни таништириш
- 4** Жамиятда жамоавий маданиятни ривожлантириш ҳамда ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини яратиш
- 5** Жамиятнинг адолатли иш билан таъминловчи ва ҳалол ҳамкор сифатидаги расмий нуфузини шакллантириш ва мустаҳкамлаш



ХОДИМЛАР УЧУН ПРИНЦИП ВА ҚОИДАЛАР ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИФОДАЛАЙДИ



ҳамкасбларга, Жамият ҳамкорлари, контрагентлари ва давлат мансабдор шахсларига уларнинг миллий, ирқий, жинсий, диний мансублигидан қатъи назар ҳурмат билан муносабатда бўлиш;



Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар халқининг урф-одат, анъаналарига ҳурмат кўрсатиш, турли этник ва ижтимоий гуруҳ ва конфессияларнинг маданияти ҳамда ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш



хизмат мажбуриятлари виждонан бажарилаётганлиги тўғрисида шубҳа уйғотадиган хатти-ҳаракатлардан, шунингдек шахсий обрў ва/ёки Жамият нуфузига путур етказадиган низоли вазиятлардан сақланиш



шахсий иш вақти ва ҳамкасбларининг иш вақтидан Жамият манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш



бошқа ходимларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситувчи миш-мишлар, ҳақоратловчи материаллар ва/ёки маълумотларни тарқатмаслик



ишга қабул қилиш, лавозимни кўтариш, мукофот миқдорини белгилаш ва Жамиятдаги бошқа ходимларнинг касбий сифатига қараб уларнинг фойдасига қабул қилинган ҳар қандай қарорларда ўз фикрини асослай олиш



ўзига ва ҳамкасбларига нисбатан ҳар қандай камситиш ҳолатлари ҳақида бевосита ўз раҳбарига ёки Жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига хабар бериш



ўз хатти-ҳаракатларига нисбатан шубҳа уйғонса, бевосита ўз раҳбарига ёки Жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига тушунтириш сўраб мурожаат қилиш

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИ БОШҚАРИШ СИЁСАТИ

➤ **Манфаатлар тўқнашуви** — шахсий (бевосита ёки билвосита) манфаатдорлик шахсининг мансаб ёки хизмат мажбуриятларини лозим даражада бажаришига таъсир кўрсатаётган ёхуд таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳамда шахсий манфаатдорлик билан фуқароларнинг, ташкилотларнинг, жамиятнинг ёки давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ўртасида қарама-қаршилик юзага келаётган ёки юзага келиши мумкин бўлган вазият

➤ Манфаатлар тўқнашувини бошқаришнинг асосий тамойилларини ҳамда Жамият ходимлари ўз лавозим вазифаларини бажариши давомида юзага келиши мумкин бўлган Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш ва ҳал қилиш тартибини белгилайди



➤ Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини аниқлаш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш бўйича ягона талаблар ва тартиб-таомиллар белгилаш орқали Жамият ходимлари ўз лавозим вазифаларини бажаришида Манфаатлар тўқнашуви ҳолатларини бошқаришнинг самарали тизмини яратиш

➤ Ходимлар томонидан Шахсий манфаатдорлик таъсири остида қарорлар қабул қилинишдаги хавф-хатарларини камайтириш ҳамда Жамият фаолиятига салбий таъсир қилишни олдини олиш

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИ КЎРИНИШЛАРИ



Маҳаллийчилик – шахсни фақат унинг келиб чиқиши (зотнинг машҳурлиги ва жамиятдаги обрўси) ҳамда яқин қариндошларининг ҳокимият ваколатларига эга органлардаги хизмат мавқеи туфайли, у лавозимга қўйилган малакавий талабларига жавоб бериши ёки бермаслигидан қатъий назар, ишга қабул қилиш, ротация қилиш, лавозимга тайинлаш.



Непотизм (уруғ-аймоқчилик) - ўз яқин қариндошларига ёки дўстларига ноқонуний имтиёзлар бериш мақсадида мансаб кучи ва / ёки таъсирдан фойдаланиш, жумладан, қуйидаги ҳолатлар билан чекланмаган ҳолда жумладан: яқин қариндошлар ва / ёки дўстларига асоссиз мукофотларни ёзиш, Жамият манфаатларига зарар етказган ҳолда яқин қариндошлар ва дўстларни ишга қабул қилиш ва лавозимларига тайинлаш



Ҳомийлик – Лавозими юқорироқ бўлган Ходим томонидан Жамиятнинг бошқа Ходимига қулай меҳнат шароитларини яратиш кўринишида унинг ёнини босиш, ҳимоя қилиш



Лоббизм – бевосита СИЁСИЙ ТАЪСИР учун тўланувчи пораларнинг легаллаштирувини назарда тутати. Яъни, агар лоббизм амалиёти бойлар расман пул тўлаш эвазига ўзларига қулай бўлган қонун-қоидаларни (преференцияларни) ўткази оладилар



Фаворитизм - Жамият Ходими бошқа шахс ва / ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатларига нисбатан бир кишининг ва / ёки бир гуруҳ шахсларнинг манфаатларига устунлик берадиган вазият, қуйидаги ҳолатлар билан чекланмаган ҳолда жумладан: Жамиятда кадрларни танлаш ва жойлаштириш, лавозимда кўтариш, мукофотлар ва устамалар ёзиш, меҳнат таътилини бериш ёки санаторийларга ва чет элга хизмат сафарларига йўлланмалар бериш, мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини ҳамда иш ва навбатчилик жадвалларини белгилаш ва ҳоказо

МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Лоббизм

(инглиз. lobby – кулуар, коридор)

норасмий шахсларнинг ўзаро учрашиб,
расмий қарорлар устунлик қабул
қилишдаги сиёсий таъсирнинг ўзига хос
тури

Протекционизм

(лот. қўмаклашиш)

Маълум бир шахсларни лавозимга
тайинлашга қўмаклашиш

Рахнамолик, фаворитизм

(фр. favorit)

ҳимоя остидаги айрим ходимларни яқин
олиш ва қўллаб-қувватлаш

Непотизм

(лот. nepos жиян)

Этник принциплар асосида давлат
тузилмаларида ёки бошқа тузилмаларда
тор гуруҳчилик манфаатлари билан иш
кўриш

Клиентелизм

(инглиз. clientelism, лот. clientele - мижоз)

Лавозимидаги мансабдор шахс ва унга
хайрихоҳ бўлган шахслар
(мансабдор шахслар, тадбиркорлик,
сиёсий гуруҳлар)

Кронизм

(инглиз. хамфикр, таниш-билишчилик,
гуруҳбозлик)

Лавозимларни таниш-билишчилик асосида
дўстларга бериш
Пантуфляж (фран. шиппакни алмаштириш)
секторга ишга жойлашишиш



ҚОИДАБУЗАРЛИКЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМ ҚИЛИШ



Uzkimyosanoat

Жамиятнинг ходимлари, контрагентлари ва ўзга шахсларда эҳтимолий қоидабузарликлари, Жамият ходимлари хатти-ҳаракатларининг қонунийлиги ёки ахлоқига шубҳа борлиги ҳақида маълумот бўлса, қуйидаги ахборот каналларидан бирига маълум қилишлари керак



+9978/140 74 48 ёки +99878/140 74 53 телефон рақамларига



anticorruption@uks.uz электрон манзилига



жамиятнинг расмий сайтида www.uzkimyosanoat.uz жойлаштирилган шакл орқали



бевосита раҳбарга (фақат Жамият ходимлари учун)



ethics@uks.uz электрон почта орқали жамиятнинг Ахлоқ комиссияси раисига

Жамият рўйхатдан ўтган, белгиланган тартибда келиб тушган барча хабар ва мурожаатларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талаблари ва Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ҳолис ва ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлайди.

Жамият, хусусан, қоидабузарликлар ҳақидаги хабарларни қабул қилиш, қайта ишлаш ва кўриб чиқишга масъул ходимлар ўз ваколатлари ва мавжуд имкониятлари доирасида қоидабузарлик тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатлар бундан мустасно) ишончли хабар берган шахсга доир маълумотлар сир сақланишини таъминлайди.

Жамиятнинг бошқа ходими томонидан бузилиши мумкинлиги ёки унинг шубҳали ахлоқи ҳақида виждонан хабар берган ходимларга нисбатан таъқиб қилиш, ишдан бўшатиш, лавозимини пасайтириш, камситиш, жабр қилиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслигини кафолатлайди ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилади.



***ЭЪТИБОРИНГИЗ
УЧУН РАЎМАТ!***